



СССР Министрлар Советида

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 165 (19.836).

1987 йил 19 июль, якшанба

Баҳоси 3 тийин.

М. С. Горбачев К. Грос билан учрашди

17 июль кунин К. Грос билан М. С. Горбачев дўстона амалий визит билан Москвага келган БСШП Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, БХР Министрлар Советининг Раиси К. Грос билан М. С. Горбачевнинг ҳозирги босқичдаги фаолиятига доир, иқтисодий ва илмий-технавий соҳаларда Совет — Венгрия ҳамкорлигини тақвиятлаштиришга доир баъзи масалалар ҳусусида гап борди.

Комитети июнь Пленумининг қарорлари совет жамиятида иқтисодий, сийёсий ва социал ўзгаришларни жадаллаштириш, демократик асосларни бутун чоралар билан чуқурлаштириш учун принципиал аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. КПСС ҳозир қайта қуришнинг янги концепциясига эга унинг диалектикаси ва қонуниятларини чуқурроқ тушунади. Ҳал қилувчи соҳа — экономика соҳасидаги тўб ислохот шу асосда авж олдирилмоқда. Бунда дўстларнинг тажрибаси эътибор билан ўрганилмоқда. СССР халқ хўжалигининг сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш манфаат

ларига мос бўлиб тушадиган нарсаларнинг ҳаммасига амал қилинмоқда. Венгрия коммунистлари жамоатчилиги СССРдаги ўз ҳаёти жиҳатидан революцион ўзгаришларни қизғин таъбирламоқдалар, социализмнинг халқаро позициялари мустақамланади, социалистик мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик, шу жумладан Ўзаро Иқтисодий Ўрдам Кенгаши доирасидаги ҳамкорлигининг самараларини ошириш, деган умидларини ана шу ўзгаришлар билан боғламоқдалар.

БХР ҳукуматининг бошчилиги БСШП Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида мамлакатнинг иқтисодий ва социал ривожлантириш программаси қабул қилинганлиги тўғрисида сузлаб берди. Бу программа экономикани барқарор қилишни, унинг баъланслигини қайта тиклашни, бошқариш системасини янгида ривожлантиришни, фан-техника тараққиёти асосида структуравий ўзгаришларни амалга оширишни кўзда тутди.

М. С. Горбачев Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатлар ўз тараққиётининг жуда муҳим ва масъулиятли босқичидан ўтаётганлигини айтиб ўтди. Социалистик мамлакатлар вазиятини чуқур ва

реалистик тарзда идрок этиб унга баҳо беришга, ўз олдиларида турган вазифаларни ҳал этиш учун конкрет нима қилиш кераклигини белгилаб олишга ҳаракат қилмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Венгрия коммунистлари ҳозирги қийинчиликларни бартараф этиш, халқ хўжалигининг барқарор ривожланишини таъминлаш соҳасидаги ишларда муваффақиятлар қозонади.

Суҳбат қатнашчилари иккала партия ва мамлакат Совет — Венгрия дўстлигини ишлага доимий содир эканлигини таъкидлаб, СССР билан БХР ўртасидаги ҳамкорликда ҳали талайгина резервлар мавжуд бўлиб, улардан самарали фойдаланиш ҳар иккала давлат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг кўпгина муҳим вазифаларини аниқлашга ҳал этишга кўмаклашган бўлур эди, деб уқтирдилар. 1986 йилнинг ноябрыда олий даражадаги Совет — Венгрия учрашувида эришилган аҳднонамалар ана шу резервларни ишга солишнинг пухта негизидир.

Реконструкция шарофати

Олтинчи райондаги Қопчуғай темир-бетон конструкциялари заводи қуввати кейинги пайтларда темир-бетон маҳсулотларига бўлган талабни қондираётган эди. Айни пайтнинг ўзига Фарғона областида ҳам, бевосита Олтинчи районда ҳам қурилиш ишлари сезиларли даражада кенгайди. Шу сабабли объектларнинг бинокорлик материаллари билан бир маромда таъминлаб туриш мақсадида Қопчуғай темир-бетон конструкциялари заводида кенг кўламли реконструкция ишлари бошлаб юборилди. Эски қурилмалар ўрнига фан ва техника ютуқларининг сўнгги намуналарини асосда эришилган дастхоналар ўрнатилди, цехлар кенгайтирилди.

Эндиликда бу корхона областаги йирик темир-бетон заводларидан бирига айланди. Бу ерда йилга 45 минг кубометр маҳсулотлар тайёрлаш мумкин.

Шу йилнинг ўзига республикамизнинг бир қатор областларига, шунингдек янги ерларни ўзлаштиратган мелiorаторларга турли марказдаги панеллар, бир қаватли кўйма уйлarning тайёр қутиларидан ҳамда темир-бетон қувурлардан жами 2 миллион 600 минг сўмлик етказиб берилиши керак. Бу ишларни амалга оширишда корхонанинг илгор ишчилари барчага намуна бўлмоқдалар.

Суратда: қувур тайёрлаш цехининг бригадаси бошлиги Маъруф Холматов (чапда) ва қопчиловчи Абдумуталлиб Хусенов.

Ш. АЛИМОВ фотоси [ЎЗАТ].



Қурилишдаги камчиликларни бартараф этиш депутатларнинг қатъий назорати остида бўлсин

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДОИМИЙ КОМИССИЯСИНING МАЖЛИСИДАН

ширилишига йўл қўймоқдалар. Уларнинг сифати пастлиги сабабли қўллаб уй-жойлар, бир қанча социал-маданий соҳа объектлари планнинг амалдаги бажарилиш ҳисобидан чиқарилди.

Областа асосий фондларини қават, йил охирида ишга туширишни пастлаштиришдек нотўғри практика ҳамон мавжуд. Масалан, ўтган йили фойдаланишга топширилган фондларнинг 38 проценти тўғри қаватга таъин қилинган. Биринчи қаватда йиллик ҳажмининг атиги 13 проценти миқдорда фойдаланишга топширилган эди. Бу йил ҳам объектларнинг топширилиши аниқ кеч муқаддатларга кўчирилган интилиш намоён бўлмоқда. Область маҳаллий

Советлари пудрет қурилиш ташкилотлари билан биргаликда чала қурилишлар ҳажмини кемайтириш юзасидан зарур иш олиб бормайтирлар, капитал маблағларнинг соҳибдорлигини йўл қўймоқдалар. Область ижроия комитети капитал қурилиш божқермасининг ўзидангина чала қолган қурилиш ҳажми шу йилнинг бошларида 27,5 миллион сўмликни ташкил этди ва планга нисбатан бир ярим баравардан зиёд ошиб кетди.

ҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун бюротмачи ташкилотларга нисбатан етарлича талабчанлик қилинмаётган, бу эса панеллар бербод этилишига сабаб бўлмоқда. Панелларга тузатишлар киритиш фактлари барҳам берилмаган, таъминотни яхшилаш масалалари суи ҳал қилинмоқда, маҳкамчилик асосида ёндоқши сабабли материалларни норасионал тарзда қарама-қарши йўналишларда ташин бертараф этилмапти.

Область маҳаллий Советлари қурилишда меҳнатни ташкил этишни тақомиллаштириш соҳасидаги ишнинг суи олиб бормоқдалар. Атиги учта қурилиш ташкилотини коллектив пудрет методига асосида ишлага ўтди. Шу метод асосида ишлаган айрим бригадалар ҳам тегишли самёра бермапти. Улар барпо этилган объектларга материалларни етказиб беришда узилишларга йўл қўйилмоқда. Бригадаларни бир объектдан иккинчи объек

ектага ташлаш холлари мавжуд, бу эса пироверд меҳнат натижаларига салбий таъсир қилмоқда. Қурилишларда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун кураш қонқарсиз олиб боришмоқда, унумли меҳнат қилиш ва мароқли дам олиш учун шарт-шароитлар вужудга келтирилмаган. Кадрлар кўнимсизлиги секинлик билан кемайиб бормоқда. Бир қанча қурилиш ташкилотларида иш ҳақининг ўсиш суръатини меҳнат унумдорлигини ошириш суръатларидан ўзиб кетмоқда.

Доимий комиссия ўз қарорига Бухоро областининг халқ депутатлари маҳаллий Советларига, уларнинг ижроия комитетларига қўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этишни, пастлаштиришни яхшилаш ҳамда меҳнатни ташкил этишнинг илгор формаларини ижор қилиш эътиси асосида қурилиш конвейери ишнинг қайта қурилиш қаватининг таъбирлар комплексини амалга оширишни тавсия қилди. 2000 йилгача ҳар бир оилани алоҳида қаватига билан таъминлашга доир таъбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга алоҳида эътибор бериш тақлиф этилди. [ЎЗАТ].

ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАСИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети миллий байрам — Сандиночилар революциясининг саккизи йиллиги муносабати билан сандиночилар Миллий озодлик фронтининг миллий раҳбариятига, Никарагуа республикасининг президенти ўрток Даниэль Ортега Саведрага табрик телеграммаси йўлладилар. 1979 йилнинг 19 июли Никарагуа халқи Лотин Америкасидаги энг реакцион диктатураларнинг бириндан озод қилинган кун сифатида тарихга кирди, дейилди табриномада. СМОФ раҳбарлигидаги Сандино халқи миллий тикланиши

[ТАСС].

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИ

НУКУС. 18 июль. (ЎЗАТ). Қорақалпоғистон области партия комитетининг бутун бўлиб ўтган пленумида КПСС Марказий Комитети 1987 йил июль Пленуми якуналари ва области партия ташкилотининг автоном республика экономикасини божқаришни тубдан қайта қуриш борасидаги вазифалари муҳокама қилинди. Область партия комитетининг биринчи секретари К. Саликов доклад қилди.

Сузага чиққанлар автоном республика экономикасига раҳбарлик қилишда олдин йўл қўйилган хатоларнинг оқибатлари ҳали бутунлай тугатилмаганлигини таъкидладилар. Халқ хўжалигини да сўнгги вақтларда иқтисодий сиқилишлар юз берган, маънавий вазият ҳамда одамларнинг кайфияти ўзгарган бўлишига қарамай, меҳнат коллективлари ишида яхшиланган сари тўб бурилиш бўлганича йўқ. Умуман сановатда меҳнат унумдорлиги

паст бўлган корхоналар сонни камаймаяпти, маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планлари бажарилмаётган. Капитал қурилишда ҳам иш бутдан яхши эмас. Айниқса, уй-жой, мактаблар, мактабгача тарбия болалар муассасалари, бошқа социал-маданий-маиший объектларини ишга туширишда мураккаб аҳвол ош берди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўп турларини тайёрлаш планлари ҳам бажарилмаётган.

Пленум қатнашчилари аҳволни ўнглаб олиш, автоном республика халқ хўжалигини интенсив тараққиётини энига солиш учун зарур бўлган комплекс таъбирларни белгилладилар. Хўжалик юртининг янги методларида дадиллик билан қатъий ўтиш бунга ёрдам бериши таъкидланди. Меҳнатни ташкил этишнинг илгор формаларини кенг жорий этиш, нисон омилни қулайтириш экономикани божқаришни тубдан

қайта қуришнинг асосий йўналишлари бўлиши лозим. Партия ташкилотлари ва партия ташкилотлари иш услублари, формаси ва усуллари мунтазам тақомиллаштириб боришлари, раҳбарлигининг янгица принципиаларига ўтишда коллективларга амалий ёрдам қўрсатишлари, меҳнаткашларни Улуғ Октябрьнинг 70 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятларни бажаришга сафарбар этишлари зарур.

Пленумда автоном республика партия ташкилотларининг КПСС Марказий Комитетининг. «Тошкент области партия ташкилотининг партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарорини бажариш борасидаги вазифаларига оид масалани ҳам кўриб чиқдилар.

Пленумда Ўзбекистон насаба союзулари республика Советининг раиси Х. Алимов ва нутқ сузладилар.

Пленуми якуналари ва област партия ташкилотининг област экономикасини божқариш тубдан қайта қуриш борасидаги вазифаларига Навоий области партия комитетининг бутун бўлиб ўтган пленумида муҳокама қилинди. Область партия комитетининг биринчи секретари А. С. Ефимов доклад қилди.

Пленум қатнашчилари област партия ташкилотларининг КПСС Марказий Комитетининг «Тошкент области партия ташкилотининг партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарорини бажариш борасидаги вазифаларига оид масалани ҳам кўриб чиқдилар.

Пленумда Ўзбекистон насаба союзулари республика Советининг раиси Х. Алимов ва нутқ сузладилар. (Пленумлар ҳақидаги ҳисоботлар газетанинг навбатдаги сонларида эълон қилинади.)

Халқ хўжалигини божқаришни қайта қуриш тўғрисида

КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижковнинг ўн биринчи қақирин

СССР Олий Совети еттинчи сессияси Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлисида қилган «Мамлакат иқтисодий тарақ

қиётининг ҳозирги босқичида халқ хўжалигини божқаришнинг қайта қуриш тўғрисидаги доклады алоҳида китобча тарзида нашр этилди.

Нашрга СССР Олий Советининг маъмур масала юзасидан қабул қилган қарори тексти ҳам киритилган.

Китобчани Сийёсий адабиёт нашриети чиқарди.

[ТАСС].

нинг артисти ўртоқ Тожиҳон
ҲАМДАМОВАга «Ўзбекистон

АДАБИЁТ ВА САНЪАТ ОЛАМИДА

• Ёзувчи минбари

Тўғри гапни рўй-рост айтиш шунчалик қийинми? Ҳар бир ишда қийинчиликлар бўлиши табиийдир. Янги уй тиклаш, янги йўл қуриш, чорвани қишдан омон олиб чиқиш, чўлларга сув келтириш, улкан социал ўзгаришларни амалга ошириш, айниқса республикамиз шон-шараф бўлган пахта тейерлаш планини бажариш каби килма-хил сермашарқат вазифаларни адо этишда халқини са-

миз, суҳбатлашганмиз ҳам. Шуниси ачинарлики, уларнинг аксариси нуқул планни, рақамни ўйлайдиган кишилар. Уларнинг маънавий оламида бундан ҳам эзгурак ҳеч нима йўқ. Улар ҳатто бадий адабиётларни, классикларнинг асарларини ҳам кам ўқиганлар. Ас ҳолда онг, тафаккурлари, матнавий дунёлари бу даражада напшоқ бўлмаган бўларди! Чунинчи, улар буюк Навоий-

Ҳамид ҒУЛОМ,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, СССР Давлат муко-
фоти лауреати

ҲАЛОЛЛИК ВА НОПОҚЛИК

фарбар қила билиш турли даражадаги раҳбарлардан катта жонбозлик ва маҳоратни, шахсий намуна ва фидо-корликни талаб этади. Раҳбар ўз партиявий бурчини, масъулиятли вазифасини бажаришда ўз коллективига, халққа тўла сунган ҳолда, қайта қуриш даврининг ошкоралик сийбасига қатъият ва изчиллик билан амал қилиши, ниҳоят ҳар қандай шэроитда ҳам рост гапни айтишда жасоратли бўлиши лозим.

Қўшиб ёзиш давлатни алданишнинг энг муҳим шаклларида бири эканини нахотки ҳанузгина тушуниб етмагандилар бор! Қўшиб ёзиш ҳисобига планини тўлдирган раҳбар амалда йўқ мақсулот учун давлатдан кўп миқдорда пул олади. У бу пул — халқ маблағи эканини, демак халқни талабга тиниб била туриб, жиноят қилади. Шу сабабдан ҳам бундай раҳбарлар ҳақда раҳмат қаттиқ жазоланади ва уларнинг кирди-корлари халққа рўй-рост матбулати қилинади.

Биз ёзувчилар, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида муҳокама қилиниб, жазоланган раҳбарларнинг кўпчилигини билмиш, улар билан учрашган-ми, шундай бир фикр одамларни хайратга солиди: қўшиб ёзиш балоси мингнинг одамларнинг бошига етган, шу одамлар раҳбарлик қилган коллектив аъзоларининг юзини ерга қаратган бир шэроитда бу бало неча баъзи ерларда давом этапти. Ахир, ал шундан иснод бўлиб тушган бу касофат иллатининг охири борми, йўқми?!

«ЖАДАЛЛАШТИРИШ—УМУМХАЛҚ ИШИ»

• ДИҚҚАТ: ЯНГИ КОНКУРС

Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениеси ва Ўзбекистон ССР Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмаси кенгашининг биргаликдаги қарори билан «Жадаллаштириш — умумхалқ иши» шиори остида газета ва журналлар, радио ва телевидение конкурси эълон қилинди.

Конкурсдан мақсад — Халқ ҳўжалиги ютуқлари тизим-касида намоён қилинадиган фан-техника тараққиёти ютуқлари, кўргазма қатнашчилари бўлган меҳнат коллективлари ва ишлаб чиқариш новаторларининг муваффақиятлари, тажрибасини ёритиш ва пропаганда қилиш соҳасида матбуот фаолиятини активлаштиришдан иборат. Конкурс материалларининг мавзуси гоёти хилма-хил бўлиши мумкин:

— Редакциялар, комитетларнинг ижодий ташаббуси, ташкилотчилик ишлари, «давра столи» атрофида суҳбатлар ўтказиш, Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмаси қатнашчилари бўлган коллективларда учрашувлар, кўргазма янгиликларининг жорий этилишини текшириш рейдлари, Ўзбекистон ССР Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмаси мавзулари асосида китобхоналар конференциялари ва шу сингари тадбирлар ўтказиш;

— Пропаганданинг таъсирчанлиги ва самардорлиги, унинг форма ва методларининг ранг-баранглиги; — Кўргазма янгиликларини жорий этиш техноло-

кўргазмасининг қатнашчилари бўлиш ҳўқуқи учун бошланган социалистик муСОБАНИНГ БОРИШИНИ; шунингдек социал ўзгаришлар, маданий қурилиш, атоф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатишни тақомиллаштириш ва бошқа соҳаларда кўргазмада намоён қилинадиган ютуқларни кенг ёритишдан иборат бўлади.

Конкурсда газета ва журналлар, ахборот агентликларининг редакциялари, телевидение ва радиоэширтиш комитетлари қатнашчилари мумкин.

Конкурс асарларига бало беришда биринчи навбатда қўйидагилар ҳисобга олинади:

— Редакциялар, комитетларнинг ижодий ташаббуси, ташкилотчилик ишлари, «давра столи» атрофида суҳбатлар ўтказиш, Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмаси қатнашчилари бўлган коллективларда учрашувлар, кўргазма янгиликларининг жорий этилишини текшириш рейдлари, Ўзбекистон ССР Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмаси мавзулари асосида китобхоналар конференциялари ва шу сингари тадбирлар ўтказиш;

— Пропаганданинг таъсирчанлиги ва самардорлиги, унинг форма ва методларининг ранг-баранглиги; — Кўргазма янгиликларини жорий этиш техноло-

гияси ва натижалари тўғрисидаги материалларни эълон қилиш, кўргазмада экспонатлар ўқуви самарадорлигини оширишга оид проблемалар лекциялар уюштириш.

Ўзбекистон ССР Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмаси қатнашчиларининг тажрибаси тўғрисида махаллий материаллар асосида тайёрланган конкурс материаллари мазмун жиҳатидан кўргазма экспозициялари ва тадбирлари, рубрикалари, врезналари ва бошқа тадбирлар билан албатта чамбарчас боғлиқ бўлиши керак.

Конкурс 1987-1990 йиллар тўрт йил муддатга эълон қилинди. Ҳар йили йил давомидаги материаллар асосида конкурс якуналари чиқарилади ва голиблар мукофотланади.

Редакциялар, комитетлар конкурсда бир неча марта қатнашчилари мумкин. Ўз асарларини такроран юборган конкурс қатнашчилари учун пропаганда даражасини, унинг фаолиги ва таъсирчанлигини (ундан олдинги йилга ишларга нисбатан) ошириш юзун кўриб чиқишнинг зарур шартидир.

Голиб деб топилган редакциялар, комитетлар Ўзбекистон ССР Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмасининг дипломлари билан мукофотланадилар; уларнинг кўргазма пропагандасида бевоёита қатнашган хо-

схематик тарзда ёганки, уни экранлаштиришда талантили актралар иштирок этганига қарамай, фильм бадиий жонхатдан ниҳоятда бўш, зерикарли чийди. Режиссёр Ляйф Файзиев эса, Н. Ивановнинг саёё ёзилган «Аждаҳо ови» сценарийсига экранда жон бера олмади. Бу табиий ҳол. Фильм пайло бўлидиган адабий замин сценарий заиф бўлганида режиссёр қанчалик уста бўлмасин, у барпо этадиган «бино» кинофильмининг омонатлиги ҳам қўзғата ташлаб туради. Шундай экан, сценарий муаммосини ҳал этиш йўллари излашни давом эттириш зарур бўлади. Бунинг учун эса, ёзувчи ва студия ўртасидаги «масофа»га чек қўйиш лозим. Ёзувчи кино имкониятларини ўрганса, студия муҳаррирлари эса, Ўзбек тилини ўрганса — биринчи шарт, билинчига, шу. Шунда адабиёт ва кино талаблари ҳисобга олиниб ёзилган сценарийнинг оригинал нуسخаси (таржима қилинган эмас) билан танилиш имкон бўлади.

Ўзбек ёзувчиларининг кат-

КПСС XXVII съезди ва Марказий Комитетнинг апрель Пленумидан кейин мамлакатимизда буюк журъат ва қатъият билан амалга ошириладиган инкилобий қайта қуриш программасининг туб моҳиятини бундай раҳбарлар бошқаларга нисбатан чуқурроқ англаб етишлари керак-ку!

Қўшиб ёзиш — халқ тилида уят. Қонун тили билан айтганда жиноятдир. Чунинчи, Бюро мажлиси ҳақидаги ахборотда кўрсатилганча, шу йилнинг 4 ойи давомида республика қурилиш ташкилотларида қўшиб ёзиш ва нотўғри маълумотлар бериш эвазига Қурилиш банки ҳамда Давлат банкидан 8,2 миллион сўм ортиқча пул олганини очилди!

Бу албатта юзлаб миСОЛлардан биттаси. Қўшиб ёзишлар йилдан йилга қамийиш ўрнига ортиб бораётгани шундай қараганда одам ақли бовар қилмайдиган, бизнинг кенг демократия ва ошқоралик шароитидада фақуллода бир ҳодиса бўлиб қўринад.

Қўшиб ёзишлар ва буларнинг оқибати ўлароқ халқимиз бошига қўзғат бўлиб ёрилган, республикамиз шангига қора доғ бўлиб тамғаланган айрим шахсларнинг жиноятлари эндиликда мутлақо тақрорланмаслиги даркор.

Мен ҳулосани яна устоз Навоий қилиб билан ифода-ламочиман:

Одами эрсанг, демагил одами.

Ониким — йўқ халқ ғамидин гами.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетидеги муҳокама ва бу тўғрисида партия матбуотида «Қўшиб ёзишнинг кўчун — қатъий жавобгарлик!» сарлавҳали ҳисобот қайта қуришнинг долзарб палласида ҳамма раҳбарлар учун жиддий огоҳлантириш бўлди. Бу масала юзасидан қабул қилинган қарор — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларининг изчил давоми сифатида жуда муҳим аҳамият касб этади.

Партия коммунистларини, раҳбарларини, бутун халқини ҳалол бўлишга, виждон амри билан ишлашга, қайта қуриш даври вазифаларини бажаришда фидойилик кўрсатишга даъват этамоқда.

Давримизга, бурчимизга муносиб бўлайлик!

димлари эса кўргазма медаллари, пул — мукофотлари, дипломлари билан. Биринчи даражали пул мукофоти (100 сўм); иккинчи даражали пул мукофоти (50 сўм); учинчи даражали пул мукофотлари билан тақдирланадилар.

Редакциялар конкурсга ҳар бирининг эълон қилинган санаси кўрсатилган мақола ва хабарлари солиниган альбом ёки папкаларини жўнатади. Альбом формати 42х30 сантиметрда ошмаслиги керак.

Телевидение ва радиоэширтиш комитетлари конкурсга (радио учун намида 20 та эширтириш, телевидение учун намида 10 та курсатув) эфирга чиқарилган сана кўрсатилган материаллар тексларининг нусхаларини юборадилар.

Конкурсга бир йил давомида (1 январьдан 31 декабргача) эълон қилинган ёки эфирга чиқарилган материаллар тақдим этилади. Изоҳ хатида почта индекси, редакция (комитет, студия) адреси, телефон номери, нашр редактори (телевидение ва радиоэширтиш комитети раисининг) фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилади.

Конкурс асарларини тақдим этиш муддати шу йил 31 декабргача.

Материаллар қўйидаги адресга юборилади: 700084, Тошкент, Хўршид кўчаси, 6-уй, Ўзбекистон ССР Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмаси матбуот маркази, «Жадаллаштириш — умумхалқ иши» конкурсига. Матбуот марказининг телефонлари 34-41-33, 34-54-50.

та-кичик асарлари (масалан, «Нетай», «Болалик», «Олмас қамар») экранга кўчмоқда. Лекин бу йўл билан сценарий муаммосини ҳал этиш қийин. Оригинал сценарийларсиз, ривож топган кинодраматургиясиз экан сценарийни тасаввур этиб ҳам бўлмайди. Адабий асарларга кино санъаткорлари мурожаат этганларида эса, экранлаштириш қонун-қоидаларига риол қилишлари шарт. А. Фадеевнинг «Еш тўғрисида» романи билан С. Герасимовнинг шу номдаги фильми гоёйи-эстетик жиҳатдан бир-бирига тенг келганини қайд қиламиз-де, ўзбек киносидан ҳам шундай асарларни излашимиз. «Тоҳир ва Зўҳра», «Тошкент — нон шаҳри»... экранлаштирилган бошқа бирорта асарини бу ленталар ёнига қўйиб бўлмайди. Ҳамза, А. Қодирий, Ғ. Ғулом, Ойбек, А. Қаҳҳор, А. Мўттор, О. Ёқубов, Х. Тўхтабоев каби қўлаб ёзувчиларнинг роман, кинса, ҳикоя, пьесалари экранга кўчганида ўз фаизатларини сўндириб қўйди. Бунга сабаб санъаткорлар адабиёт ва кино ўр-

• Янги шеърлар

Мардликка қасида

Мард майдонда синалгандир қадимдан,
Юрагига журъат берган адолат.
Кучу қудрат олиб дом халқимдан,
Ҳақиқатга жонин қўйган қафолат.
Ватан учун аямаган жонини,
Кўкрагини қалқон этган халқига.
Керак бўлса — жангда тўққан қонини,
Эл меҳрини мадад олиб қалбига.
Ўз юртига қилмаган ҳеч эҳтиёт,
Ор-номусин оёру учун сохтаган.
Ҳаётига машаъл бўлган днётан,
Дўст бошига бало тошин отмаган.
Викдонига гурд қўндирмай,
тутган пок.

Сабот билан ҳатлаб ўтган сновдан,
Ҳавас қилган унга замин ва афлор,
Омон ўтган тошини селу оловдан,
Бўронларда тоблангандир мномин,
Голиб этган буқилмаган эътиқод.
Дил тўрида ардоқлаб мард инсонини,
Номард билан чекмаган ҳеч оҳ-фарёд.
Эл қалбига раҳна солса қай авбаш,
Кеч билинган замонага ёлтири.
Жўмард инсон этса унинг айбони фаш,
Шалопалдек тошган элнинг шодлиги.
Қахрамонлик кўрсатиб у чинакам,
Оғир юкин дадил олган елкага.

Пок ниятли халққа бўлиб ҳамқадам,
Адолатнинг шамини ёққан ўлкага,
Мард ўғлонини Ватан тутган бошқа,
Шавкатига мангу бўлган фидокор.
Она халқи таъзим этган қошида,
Эл эъозлаб ўзин билган дахлор.
Қисматига ҳайкал қўйган мардларга,
Замоналарнинг синовида берган дош.
Мард — сўзини айтар қичиб минбарга,
Нопок билан бўлмас асло маслакдош.
Мард — қадарини баянда тутар эл-улус,
Номардга лек топиламайди гўр-қафн.
Мард ҳақида давраларда кетар сўз,
Мангуликка унутмайди мард Ватан!

Она ер армони

Ерин — она, дедик — онадек у ҳам
Тўйдириб-қийдириб келмоқда бизни,
Қўпин талаб қилдик — гарчи бердик кам,

У қисиб қўймади ризқ-рўзимизни.
Нима керак бўлса — олдиқ бешафқат,
Она деб андиша қилмадик асло.
У бизга борини берди беминнат,
Фарзандим деб этди ўзини қид.
Дам бермай — пахтани экди мунгазам,
Толиқиб, қурдик, балки тиниксин.
Бутфос захрдан бўғизда алам,
Арзини тингла, эй, пахта ўлкаси!
Ползу боғларининг қонини сўриб,
Жонини сугуриб олмақда ҳаёт.
Пахта чангалда ўзини кўриб
Экинзор далапар тилайдик нажот.
Меҳр суварига ташна лаблари,
Қорган танкида қолмаган мадор.

Шифога муҳтождир дардли қалблари,
Тарк этиб кетмасин боғларни баҳор.
Бўлмасин жонанжон юрти бегона,
Сарсон саргардон қўшлари қайтсин.
Сайрашиб бўлбулу қалқик, бедона.
Осуда тоғларда розини айтсин.
Далалар маст бўлсин беда қийдан,
Муаттар таратсин ползали қирлар.
Адиқлар яйсини ток кўлгусидан,
Кенгайсин ёнғоқзор, бодомзор ерлар.
Боболар экин бўлмасин унут,
Пахтадек Ватанда топини эътибор.
Саҳонин беэсини зигиру қунжот,
Ой жўҳори, қошқин, экилса бисёр.
Заминга тикайлик қалб қўзимизин,
Экинга юрагин бўлмасин пора,
Келмак насллар кемирмас бери,
Она ер жонига қирмасак ози.
Дарёлар айланиб борар ирмоққа,

Амуга хайрбод этмоқда Орол.
Сахро олов тилин қўзар тўбоққа,
Тиркилик фаслини этгани тўбоққа,
Оролда қўзғолар ҳўжум шашмирин.
Киндан сугурур қўшларини,
Қўлга олади замин тақдирин.
Қўлга олади замин тақдирин,
Бугунги кўрмасдан ўйлаб наслимиз,
Заминни ардоқлаб қолдирик бағдор.
Келмак насллар кемирмас бери,
Алоқлар қисматини этаймиз ноҳор.
Бешафқат бўлмайлик она жонига,
Боғлар қўлоқ ёсин пахта сингари.
У боғлар имдвор қиз-ўғлонига,
Қўлда ҳаётнинг турфа гуллари,
Гулни муҳофаза қилмак, туриб шай,
Садокат бошини қўйиб меҳробга.
Замин фарзандимиз — кўрсатма кутмай,
Ерин ёзсак не тоғ қизил китобга!

От ҳақида монолог

Дукур-дукур от садоси эшитилар йироқдан:
Бу — Алломиш Бойчирми, ё Гўргўл Гироти.
Тўғидан ўт қақнайтиб ўзиб келар чамқокдан,
Этарда чалавечин қизил аскар авлоди.

Пойга қўриб, қора қўвиб чавандозлар ҳайқирай,
Қўлоғи ўқ, кўзлари чўғ, кишилар учар тулпорлар.
Дарёлардан сакраб ўтиб, дарё каби аққирай,
Тақминга улоқ босиб қир ошади шунқорлар.

Ҳаёт кўрини йингит эди, йингит кўрини эди от,
От чопмаган йингитини эл эр демасди бир, замон.
Ким курашда голиб чикса от қиларди муқофот,
От тўфайли жанг-жадалда йингитлар қолди омон.


Йингитлардек омон қайтди бедовлар ҳам урушдан,
Қўрбон бўлган аждодларин насллари ёқиди.
Имдор бўлиб эл юртига нажот топди турмушдан,
Бош кўтармай навлон урди ташвишлар гирдобдан.

Омон торди, уруғ сочди, бошқоқ ташиб янқиди дон,
Чўқ қўлабди, чингит эди, пахта тоғин кўтарди.
Оғир ишини енгил қилди, насон учун берди жон,
Қўли қадок эл динқидан гам оғочин кўпорди.

Қир-адирини, яловларини беэади аргумқорлар,
Сувуш ўтса, қудди тошини қишлоқнинг кўчалари.
Турмуш икки-чиркидан қўлғин қисилган чоғлар,
Кишаиб қолса, яйраб эди шаҳарининг кечалари.

Отдан элс дўст йўқ эди гаму шодлиқда бирга,
Мўшқулларни омон қилиб қўвонтирди элнин от.

• Пойтахт театрларида



Максим Горький номидаги рус Академик драма театрида Михаил Шатров тасвир асосида «Викдон диктатураси» драмаси сахналаштирилди. Асар инсонлар ўртасидеги муҳим муаммолар, ахлоқий масалалар, одамларнинг қийин, мураккаб шароитларида ўзини тутишлари, ҳул-аждорлари ҳақида ҳикоя қилади. То мошайин сахнадаги воқеаларини кўрар экан, одатий «қарашлар» ва «муносабатлар»дан воз кечишга, янгиликка интилади.

Асарни театрининг бош режиссёри В. Голдков сахналаштирди. Роллари ижро этувчилар орасида Ўзбекистон ССР халқ артисти В. Русланов, республикада хизмат кўрсатган артист Н. Сундукова, таниқли актёр ва актрисалардан И. Қириқов, В. Голованов, Л. Хўжаева, А. Панас, О. Володиналар бор.

Суратда: янги спектаклдан бир кўриниш.
А. Қошкин фотоси (ЎзТАГ).

УЧ НУҚТА

• КИНОШУНОС ҚАЙДЛАРИ

Бугунги ўзбек киносига назар ташласак, фильмлар мавзу ва жанр жиҳатдан ранг-баранг қўрилади: «Метеорологик уруш» олиб бораётган империалистларнинг реакцияни сийбасини очиб («Аждаҳо ови»), катта шаҳарлар муаммолари билан банд бўлган архитекторларнинг изланиши («Олмас қамар»), Улуғ Ватан уруши воқеаларини ҳозирги кун нуқтаи назаридан ядрок этишга уринган санъаткорнинг ўйлари, ҳис-тўғулари («Хамшиа ёлдиласан») инкилоб воқеаларига бағишланган, адабий асарлар заминиде пайло бўлган ленталар... Бундай асарлар устида кинематографиямизнинг турли бўғинига мансуб бўла-

ган санъаткорлар ишламоқдалар. Янгидагина ана шундай «курстачилар» студиянинг ишину юксак баҳолаш учун киёф эди. Эндиликда қайта қуриш жараёни бундай «хисобот»ни атофлича ўрганиши, уни юксак партиявий позициядан баҳолаб, нуқсонларини очиб-ойдин айтишни тақозо этмоқда.

Ўзбекфильмда ҳақиқатан ҳам сийси мавзунини ёритишда интилиш сезилмоқда. Лекин бу йўлдаги қайта қуриш жараёни бундай «хисобот»га чек қўйиш лозим. Ёзувчи кино имкониятларини ўрганса, студия муҳаррирлари эса, Ўзбек тилини ўрганса — биринчи шарт, билинчига, шу. Шунда адабиёт ва кино талаблари ҳисобга олиниб ёзилган сценарийнинг оригинал нуسخаси (таржима қилинган эмас) билан танилиш имкон бўлади.

Ўзбек ёзувчиларининг кат-

тасидаги муштараклик билан бир қаторда тафовутлар ҳам борлигини ҳисобга олмаслигида, китоб саҳифалари баъзан айнан сценарийга, кейин фильмга кўчишида, айрим ҳолларда эса, уларга қўрилган ўзгаришлар мазкур ёзувчи ижод этган бадий тўғримага мос келмаслигида.

Бинобарин, экранлаштириш масалаларини шу қулларда диққатимизни яна тортаётган бежиз эмас. «Болалик» станциясидан йўл олган «поезд», «Бувимини қайтаринг» каби ленталарда муаллифлар — Л. Аркадьев, А. Ковтун, И. Кузнецовлар болалар ҳаётидан лаҳзалар кўрсатмоқчи бўлишган. Лекин бу асарларда теран фикр, ҳаётийлик еттишмайди. «Пахтага», «Сен етим эмассан» каби фильмларнинг ананалари бутунлай унутилган қўрилади. Ас ҳолда техникка қизичувчи Қилич Икюлий йингитларнинг ажойиб саргузаштлари, пахтани зараркунашлардан қўриқлаш дала посбонлари — пионерларнинг ажойиб ишлари, аҳил оилада яшаб, уруш қиринчиликларини енгган тур-

ли миллат вакилларининг иродаси, олижаноб интилуларини фильм ижодкорларини чинакам изланишга даъват этади, тарбия масалаларини қизичарли сюжетлар, мукаммал образлар, ўзига хос талдин ёрдамида ёш томошабинларга етказиш зарурлиги ҳақида жиддий ўйлашга ундайди.

Шуниси ҳам муҳимки, атоқли санъаткорларнинг ташаббуси билан суратга олинган машҳур асарларнинг экрандаги умри ўн йилликлар билан ўлчанади. Бинобарин, ўша пайтда студиямиз техник жиҳатдан яхши таъминланмаган эди. Икюлий қалдрлар ҳам етишмасди. Эндиликда, Ўзбек киносига қўлаб ёш, гайратли режиссёрлар катта орузумидлар билан келган, студияда сатхи кенг павильонлар барпо этилган бир пайтда энг актив томошабинлар — болалар учун қизқарилган асарлар яратини мумкин... Афсуски, режиссёрлар мавзуга сценарийни ниҳоятда сезгир муносабатда бўлиш, санъаткорнинг имкониятларини актив қўра олиш талаб

қилинмаётган даврда пассивлик кўрсатмоқдалар. «Ачинч данак», «Эргага чиқсанми?» каби мароқли картиналарни суратла олган Қамара Қамолова эса, негидир ёш томошабинларга атаб асар яратмай қўйди.

Кинодраматург ва режиссёр, оператор ва расом изланиш машаққатли меҳнати натижаси экранда бевосита образ яратувчи санъаткор актрисанинг маҳоратига, тажрибасига боғлиқ. Янги вақтларга кино санъатининга малакали ижрочиларини ўзбек театри етказиб беради. Эндиликда киномиз ўзининг профессионал актрисаларига ҳам эва. Аммо худди шу даврда ижрочиларини тилаб йўли билан танлаш принципа қайтин кишини ажаблантирад. Зеро, ролларга фақат ташқи қиёфаси мос келадиган ҳаваскорлар тақлиф этилиши ўз вақтида қўлланма натижа бермаган эди. «Аждаҳо ови» ҳамда «Олмас қамар» фильмларида бош ролга фақат ташқи қиёфаси монанд келган, лекин маҳсул таълим олмаган А. Пирмухамедов тақлиф этилгани

Ҳамидулла АКАБОВ.

